

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 49 (66278)  
2000 йил 7 декабрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КАЧОН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН?

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи конституцияси 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинди. Бу Конституция давлатимиз қайта тикланганини аниқлаб, ҳақиқий мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдевори кўйилганлигини ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида бундай дейилади: "Ўзбекистон - суверен демократик республика". Давлатнинг "Ўзбекистон Республикаси" ва "Ўзбекистон" деган номлари бир маънони аниқлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигини нишонлаш учун Конституция қабул қилинган кун - 8 декабрь Қонун билан умумхалқ байрами - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни деб эълон қилинди. 8 декабрь байрами дам олиш куни ҳисобланади.

**Конституция олтига бўлим, 26 боб ва 158 моддадан иборат.**

Биринчи бўлимда конституциявий тузумнинг асосий принциплари маъни келтирилган. Давлат мустақиллиги, халқ ҳокимияти, Конституция ва Қонун устуворлиги ҳамда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканлигини белгиловчи принцип ва шундай принциплардир.

**Иккинчи бўлим** инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни инсонни жамият ва давлатнинг олий қадрияти деб эълон қилади. Конституциянинг 128 моддасидан 60 тадан кўпроги шахснинг ҳуқуқий мақомига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган.

"Жамият ва шахс" деб аталган **учинчи бўлим** жамиятнинг иқтисодий асосларига, жамоат бирлашмаларига, оила масалаларига ва оммавий ахборот воситаларига бағишланган.

**Тўртинчи бўлим** маъмурий-ҳудудий ва давлат қурилиши масалаларига аниқлик киритади.

**Бешинчи бўлим** давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига бағишланган.

**Олтинчи бўлим**да Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби белгилаб берилган.

(100 саволга 100 жавоб китобидан олинди)

**Қорақалпоғистондан хушхабар!**  
Сизга яхши таниш жамоатчи мухбиримиз Нафиса Абдуллаева Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод қилиб кўрсатилди. Бундан қувонган мухбиримиз Абдухамид АБДУҒАФФОРОВ тезда Нафиса билан суҳбатлашишга ошиқди.

**-Нафиса, табриклаймиз! Қувонган бўлсангиз керак?**

-Албатта. Ҳамма вилоятларда бўлганидек, Қорақалпоғистондан ҳам 5 қиз бешта йўналиш бўйича бу юксак мукофотга номзод қилиб кўрсатилди. Доно, зукко, жамоатчи, қаламкаш қизлар жуда кўп Қорақалпоғистонда. Лекин устозлар назари менга тушиб, шунча кизнинг ичидан мени сайлашди - бу ишончли оқлайман. Мукофотга сазовор бўламанми йўқми - буни вақт кўрсатади. Аммо ўзим каби қизлар билан бўйлашиш, беллашиш имкони туғилганининг ўзида ноқ хурсандман.

**-“Тонг юлдузи”да кўп мақолаларингиз эълон қилинган.**

**Юртбошимизнинг туғилган кунини хат ёзган сарибийлик Машхура исмли қизалоқ, олис Америкада Ўзбекистон байроғини кўриб йиғлаб юборган Райҳон исмли тенгдошингиз, Ўзбекистонга, унинг болаларига меҳр кўйиб қолган америкалик ўқитувчиларингиз ҳақида ёзгансиз. Ҳаммасида Ватандан фахрланиш туйғуси барқ уриб турибди. “Кундалик дафтар”ингизга кирган жажжи ҳикояларингиз ҳам тенгдошларингизни бефарқ қолдирмади. Бу рўзномадагидан бошқа фаолиятингиз ҳақида ҳам эшитсак дегандик...**

-Тўрткўл телевидениесида ҳар ойда бир марта чиқадиغان “Тинейжер” кўрсатувида бошловчилик қиламан. Ёшлар каналидаги “Синфдош”ни кўрасизми? Менинг кўрсатувимни ўша “Синфдош”нинг сингисидек десак ҳам бўлаверади. Яшириб ўтирмайман, унинг бошловчиси Дилдора опамга тақлид қиламан. Кўрсатувимиз ҳар сафар тумандаги бир ўқув масканидан тайёрланади. У ердаги ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам ёритилади. Масалан, 30-мактабдан кўрсатув тайёрлаётганимизда ўқитувчилар ва ота-оналар мактаб олдидан ўтадиган катта йўлда кўплаб ҳалокатлар содир бўлиши ҳақида куйиниб айтишди. Қоидабузар шофёр амакилар, йўл белгиларининг кўйилишига эътибор қилмаётган ташкилотлар ҳақида лавҳа тайёрлади. Ана шундай кўрсатувлардан кейин озгина бўлса ҳам ўзгариш сезиб, қилаётган ишимиз фойда келтираётганидан мамнун бўламан.

**-Тўхтап, тўхтап... Шунча иш, бунинг устига асосий вазифангиз ўқиш оғирлик қилмайдими?**

-Биласизми, кундалик дафтаримнинг биринчи бетидан юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг суратини кўйибман. Ҳар сафар кундалик дафтаримни навбатдаги беш баҳони кўйдириш учун устозимга элтаётганимда Президентимиз “Ба-кал-ла, Нафиса қизим!” деяётгандай бўладилар. Мен биламан - Президентимиз “**Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак**” деб билим олишимиз, етук инсон бўлиб етишимиз учун барча шароитларни яратиб кўйибдилар. Ҳар кун ана шу шароитга жавобан нима иш қилганим ҳақида ўзимга ҳисоб бераман. Президент бизнинг ҳар биримизнинг тақдиримиз ҳақида шахсан қайғургандан кейин, унга жавобан яхши инсон бўлишимиз шарт, деб биламан.

Олдинга ана шундай мақсад кўйгандан кейин олдинга интилаверасан.

**-Нафиса, сиз ҳақингизда Тўрткўл телеканали ходимлари яратган видеофильми томоша қилдим. Жуда чиroyли рақс тушар экансиз, расм чизар экансиз. “Ақчақўл тонги”, “Тилсим” деб номланган суратларингиз мени лол қолдирди.**

-Санъат ва адабиёт бир-бири билан боғлиқ. Яхши ёзган қаламкаш яхши расм ҳам чиза олади деб ўйлайман. Бу билан ўзимни мақтамоқчи эмасман. Мен расм бўлмаслигим мумкин. Лекин расм чизишни билсам, бу мавзуда профессионаллар билан бемалол суҳбатлаша оламан. Мен раққоса бўлмаслигим мумкин. Лекин рақс менинг ҳордиқ чиқаришимнинг бир воситаси бўлиб қолади...

**-Олдин бир ўсмир сифатида сизни қувонтирадиган ва ташвишлантирадиган нарсалар?**

-Менинг ёшимда менинг ота-онам пахта даласида этак судраб юрган. Мен эса мустақиллик берган неъматлардан баҳраманд бўляпман - компьютер билан тиллашяпман, она Ватан тарихини мукамал ўрганип-



ман, буюк аждодларимизни танияпман. Ёшгина қизларнинг ҳам мана шундай Давлат мукофотларига тақдим қилиниши, уларга эътибор - бу ҳам Мустақиллик инъом этган бир неъмат эмасми?

Мени ташвишлантирадиган нарсалар - терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик.

Ўтган йил 16 февраль кунги террорчиликда ўқишдан кейин дугонасиникига бораётган бир қиз ҳалок бўлди. Унинг ўрнида мен ҳам бўлишим мумкин эди.

Шу йил сентябрь ойида бир гуруҳ Ватан хоинлари, ювиндихўрлар Сурхондарё тоғлари орқали Ватанимга сукулиб кирмоқчи бўлдилар. Мен диний экстремистларнинг пуч хаёллари амалга ошишини, Мустақиллик келажиги, демакки менинг келажигим йўқ бўлишини истамайман.

Ашаддий гиёҳванд эса арзизмадан пул учун, наркотик модда учун кўчада тинчгина бораётган исталган бир кишига ҳужум қилишдан тап тортмайди.

Ана шундай оламшумул муаммоларни энг оддий йўл билан ўзингизда ҳис қилиб кўрсангиз Ватанини, Мустақилликни, Тинчликни тушунасиз. Бу ҳар қандай баландпарвоз гаплардан яхшироқдир.

**-Орзуларингиз?**

-Худо ҳоҳласа, ўқиб-улғайиб, яхши одам бўламан. Машхур одам бўламан. Ва албатта бахтли бўлишга ҳаракат қиламан. Бахтли бўлмасликка ҳаққим йўқ.

**“СЕН АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛАСАН, ҚИЗИМ!”** деб таъкидлайди ҳар кун менга Президент кундалик дафтаримнинг биринчи бетидан боқиб, юзларидан нур ёғилиб...

## ФАҚАТ ОБУНАДАМАС, ҲАР ИШГА НАМУНАМИЗ.

деди Сурхондарё вилояти Халқ таълими Бошқармасининг бошлиғи Саодатхон ИНОЯТОВА

римизда кундан кун спортчи болаларнинг иқтидори намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда мусобақанинг биринчи босқичи барча туман мактабларида ўтказилаяпти. Ғолибларга вилоят ҳокимлигининг совғалари топширилади. Бойсун, Музрабод, Олтинсой, Жаркўрғон каби туманларимизда Маркетинг бўлимлари

ташкил этилган бўлиб, улар камчиликларни бартараф этиш билан шуғулланади. Кам таъминланган оила фарзандларига йил бошида халқ таълими вазирилик тақсмоти билан 69 млн. сўмлик китоб тарқатилди. Ҳомий ташкилотлар томонидан 19 млн. 889 минг сўмлик дарслик ўқув-

чиларга берилди. Ҳозирги кунда ҳар бир мактабга ҳомий ташкилотлар бириктирилган. Тоғ олди ва тоғлик жойдаги мактабларда иситиш муаммоси ҳам ҳал этилди. Ўқувчи ёшларни баркамол бўлишларини жуда-жуда хоҳлаганим сабаб уларнинг маънавий дунёсини ҳам бойитиш учун ҳаракатлар олиб бораёяман. Ўқувчилар оммавий нашрлар билан қизиқсинлар, дейман. **ҲАР ЎН ЎҚУВЧИ ЎЗ ГАЗЕТАСИГА БИРЛАШИБ ОБУНА БЎЛСИНЛАР!**

Бизга бошлиқнинг шу сўзлари керак эди. Сўз амалда исботини топади, деб ўйлаймиз.

Маъмура Мадраҳимова ёзиб олди.



КУНГИРОК

Ҳар йили Асосий Қонунимиз - Конституция қабул қилинган кун кенг нишонланишининг боиси бор. Чунки истиқлол туфайли инсон манфаатлари, унинг эзгу орзулари, интилишлари илк бор ҳар нарсадан устувор деб эълон қилинди. Ва бу каби қоидалар Асосий Қонунимизда мустақамланди.

Зеро,  
**1997 йил - инсон манфаатлари йили,**  
**1998 йил - Оила йили,**  
**1999 йил - Аёллар йили,**  
**2000 йил Соғлом авлод йили** деб эълон қилинган ҳам бежиз эмас. Бундай эътиборлар фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий онгини, дунёқарашини ўстириш билан бирга, уларнинг манфаатларини умуминсоний қадриятлар асосида янада кенгроқ ҳимоя қилишга, жамиятда қонун устуворлигининг таъминланишига кўмаклашди. Тарихдан маълумки, кўҳна Турон заминида эл-юрт бундан қарийб минг йиллар муқаддам ҳам демократик тамойилларга асосланган жамият қуриш ғоялари билан яшаган. Бу ўринда европалар консти- туцион тузум нима эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган даврда Амир Темур ҳазратлари "Темур тузуқлари"ни тузиб, ўзининг буюк салтанатини, ана шу тузуқлар, ўзига хос "конституция" ёрдамида идора қилганини тарих саҳифалари сўзлаб туради.

Буюк қомусий аллома Абу Наср ал-Фаробий ўрта асрдаёқ ўзининг "Орзудаги шаҳар ва бахт-саодатга эришиш йўллари тўғрисида"ги рисоласида ана шун-

**Конституциямизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги конституциялардан мутлақо фарқ қилиши ҳақида сўз борар экан, бу аввало унда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин тутганини, асосий Қомусимиз инсон манфаатининг давлат манфаатидан устуун туришини муҳрлаб кўйгани ҳақида гапиршишимиз керак.**

Ислом КАРИМОВ.

дай жамиятни яққол тасвирлаган. Ул зот давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга етаклаш эканини, бу эса илм-фан ва яхши ахлоқ ёрдамида қушойиш топишини уқтирган. Бундай давлатга ҳар томонлама етук шахс раҳбарлик қилади, амалдорлар эса сайлаб кўйилади...

Шунинг учун ҳам хал-

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган ҳайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

65-модда. Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофиза қилинади.

66-модда. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Муҳаррама ПИРМАТОВА тайёрлади.

**ИНСОН МАНФААТИ ДАВЛАТ МАНФААТИДАН УСТУН**

кимиз ҳар қандай шароитда ҳам буюк боболари, фозилу фузалоларнинг меросини асраб-авайлаб келади, улар асосида ўз миллий қадриятларини шакллантириб, авлодларни шу руҳда тарбиялайди. Чунончи Асосий Қонунимизда болаларга тегишли моддалар ҳам мавжуд:

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурлар.

мактабдаги футбол мусобақаларида ҳам фаол қатнашамиз.

Яқинда мактабимизнинг футбол ишқибозлари туманимизда ўтказилган мусобақада иштирок этдик ва тумандаги 49-, 98-, 127-, 140-, 148- мактаб ўқувчиларидан бу борада устуун эканлигимизни исботладик. 140- мактабни 9- 0 ҳисобига мағлуб этган бўлсак, 98- мактаб футболчиларини икки маротаба 3-1 га ютдик.

Шаҳар мусобақасида голиб бўлганларга тез кунда барча қулайликларга эга бўлган стадион қуриб берилар экан. Мана шунинг учун ҳам биз ўқувчилар бор ғайратимизни иш солаямиз. Мактабимиз учун қурилажак стадион бизни укаларимизга эслатиб турсин.

Дилшод ХУДОЙБЕРГАНОВ,  
 Фаррух МУҲАММЕДОВ,  
 8-“Б” синф ўқувчилари.

**ОЛҚИШИМИЗ БОИСИ...**

... Шерзод деган бола ўқитувчининг шкафидан синф пулини ўғирлаб, айбни ўз синфдошига осонгина тўнкаб кўяди. Синфдоши эса буни тўхмат эканлигини исботлашга қийналади. Чунки у ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билмасди-да!..

Бу кичик саҳнани тамоша қилар эканмиз, Шерзоддан нафратландик. Ўз ҳуқуқимиз, бурчимизни яхшилаб ўрганишимиз лозимлигига яна бир бор амин бўлдик.

Яқинда синфимиз ўқувчиларининг ҳуқуқий билими ЮНЕСКО ташкилотчилари томонидан ўрганилди. Унда мен милиция ходими ролини ўйнадим. Шу кун ҳуқуқий мавзуда савол-жавоблар ҳам бўлди. Меҳмонлар мақтовига сазовор бўлишимизда устозимиз Фахриддин ака Қодировнинг ҳиссалари каттадир.

Ҳабибулло ПИРИМОВ,  
 8-“Б” синф ўқувчиси.

**УЧТА ЧАҚНОҚ КЎЗИНГ БОР...**

Синфимиз ўқувчилари билан учта- “Нексия”, “Тико”, “Дамас” гуруҳларига бўлиндик.

“Нексия” чилар - “Ёшлик ўткинчидир, дўстлик абадий” шиори остида ўзларининг ҳозир-жавобликларини кўрсатишди. “Тико” эса - “Пиёда, умринг бўлсин зиёда” деб йўл ҳаракати қоидаларини яхши билишларини намоён қилишди. Биз - “Дамас” чилар ҳам бўш келмадик.

Синфимиз расоми Диёржон светафор ва кўча ҳаракати қоидалари расмини жуда ўхшатиб чизиб келди.

**ЗАРУРИЯТ**

Андижон вилоятидаги 20-гимназияда 8 декабрь - Конституция кунини кенг нишонланаяпти. Бунинг учун ўқувчилар жонқуяр устозлари Ойнура Якубова, Бухолчаҳон Аҳмедова, Раъно Бакировалар ёрдамида байрамга катта тайёргарлик кўришди. Юқори синфлар чиқарган деворий газеталарда асосий Қонунимизни мадҳ этувчи шеърлар, гўзал фикрларни ўқиб қувонасиз. Фаоллар залида ўтказилган кечада ўқувчилар Конституция моддалари, тарихи ва ривожланиши ҳақида гапирдилар. Ҳуқуқ фанига бўлган қизиқиш ўта кучли экани намоён бўлди. Айниқса, биз - юқори синф ўқувчилари мустақил ҳаётга қадам кўйиш арафасида эканмиз, ўз ҳуқуқ ва бурчларимиз, Асосий қонунимизни тўла англаб етишимиз зарурдир. Бу борада бизга сабоқ бераётган барча тарих ва ҳуқуқ фани муаллимларимиздан миннатдормиз.

Мактуба МЎМИНОВА,  
 Кўргонтепа туманидаги 20-гимназиянинг 11-синф битирувчиси.

Мактабимизнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари - Мунира опа Юсупова “Бир-бирингизга берадиган саволларнинг гизни ҳозирча сир тутинг. Бўлмаса ўйин ўйиндек қизмайди”, деганлари боис беллашувимиз рост ва самимий бўлди.

Жюри ҳайъатига эса 9- синф ўқувчиларини таклиф қилдик. Улар ҳам ҳаққоний баҳоларини қўйдилар.

Ирода РОЗИҚОВА,  
 “Дамас” гуруҳи аъзоси,  
 5-“Б” синф ўқувчиси.

**ҲУҚУҚ ВА БУРЧ**

Яқинда Конституциямизнинг саккиз йиллигига бағишлаб синфимиз ўқувчилари “Ҳуқуқингизни биласизми?” мавзуида тадбир ўтказдик. Ўқитувчи ва ўқувчилар учун саволлар ҳам тайёрладик. Улардан саҳнанинг ўзида жавоб олишга ҳаракат қилдик.

Устозимиз Дармон Тожигул опанинг айтишларича Тошкент шаҳрида шу йилнинг олти ойида вояга етмаганлар орасида 100 тага яқин майда безорилик, ўғрилиқ жиноятлари содир бўлибди. Уларнинг аксарияти қонун-қоидани билмасликларидан келиб чиқибди.

Шунинг учун ҳам биз кичик саҳна кўринишини кўрсатдик. Унда айбдор, ижрочи ва адвокатлар қатнашди. Тадбирга тайёрланишдан олдин “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” даги моддаларни яхшилаб ёллаб олдик. Тушунмаган сўзларимизни Тожигул опадан сўрадик.


“Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин”, дейилган экан 29- моддада.

Тадбир давомида шуни яхши билиб олдикки, ҳуқуқ ва бурч доимо ёнма-ён юриши керак экан.

Феруза МАМАДАЛИЕВА,  
 4-“Б” синф ўқувчилари.

Сўхбат давомида ўқувчилар ўта газетхон ва китобхон эканликларини ҳам аниқладим ва академик Иброҳим Мўминовнинг табарруқ номини оқлашга танидан беҳад суюндим.

Феруза ОДИЛОВА.



**“Иброҳим Мўминовни эслаганимда Алишер Навоийнинг “...кўнгли поку ҳам кўзи пок, Тили поку, сўзи поку, ўзи пок” деган сатрини такрорлайман, - деб ёзгани ўз эсдаликларидан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси И.Искандаров. “Кўнгли поку, ўзи пок” инсон номидаги мактаб билан яқиндан танишиш мақсадида ушбу масканга йўл олдим.**

**Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туманидаги 113- мактаб 1954 йили ишга тушган экан. Бугунги кунда 559 нафар ўқувчи таълим-тарбия оладиган, уларга малакали ўттиздан ортиқ устозлар дарс берадиган мактаб бир сменали бўлиб, тушдан сўнг турли тўгараклар ишлаб турар экан. “Ёш радист”, “Математикани ўрганамиз”, “Ёш эколог”, “Гидамўзлик”, “Инглизча гаплашамиз”, “Ёш томошабинлар” каби ўн тўрт номдаги тўгаракларда болалар ҳам хунар ўрганадилар, ҳам бўш вақтларидан унумли фойдаланадилар.**

-Мактабимизда математика, инглиз тили, тил ва адабиёт фанлари чуқур ўрганилади.

Янги ўқув йилидан эса 1-синф ўқувчилари ҳам инглиз тилини ўрганиб бораёптилар. Иқтидорли ўқувчилар учун “Бизнес мактаби” ҳам ташкилланган. Унда болалар компьютер сабоғи, инглиз тили, физика, математика фанлари бўйича кўшимча дарс оладилар.

Ушбу масканга кўп йиллар Муфассал опа Валиева раҳбарлик қилиб келганлар. Шу йилнинг сентябрь ойидан эса Саодат опа Арслонова директорлик қилаёптилар.

Бугунги кунда мактабнинг собиқ ўқувчилари жамиятимизнинг турли соҳаларида хизмат қилаёптилар, - деди мактабнинг тажрибали ўқитувчиларидан бири Тожигул Дармон.

- Азиз Жўраев- филология фанлари доктори, профессор, Рўзимат Амирбеков- профессор, Абдулазиз Абдусаматов - фармакология фанлари доктори, Лола Жўраева - тиббиёт фанлари кандидати, Мунира Эркаева- шаҳардаги 275- мактаб директори... Бу кабиларни яна давом эттиришим мумкин, - дедилар биз билан сўхбатда мактабнинг биология-география фани ўқитувчиси Темур ака Юнусов.

**БИЗДАН ЭСДАЛИК- СТАДИОН**

Мактабимиздаги ўқувчилар спортга қизиқадилар. Уларнинг кўплари мактаб ва мактабдан ташқари спорт тўгаракларига аъзо.

Масалан биз “Солиҳчи” спорт комплексидаги футбол машғулотига борамиз. Бундан ташқари,



Маҳмуда

Халқимизда ўзгаларда учрамайдиган ОҚИБАТ деган фазилат му- жассам. Бу айниқса рўза- рамазону ҳайит кунларида яна- ла яққолроқ намоён бўлади. Фарзанд- лар

ота-она- лари, ёшлар кексаларни йўқлашади, қаб- ристонларни зиёрат қилишади, ўтганлар ёди хотирланади...

Одатда кексалар оламдан ўтса, "иймонлари басаломат бўлсин, уларнинг тўйлари-ку" дея юпатишади. Лекин ёшлар бевақт қай- тиш қилсалар-чи? Яна орқасидан бир этак фарзандлари бўзлаб қолса-чи? Уларни қай сўз билан овутиб, қай қўл билан юпатиб бўлади?!

Ҳамкасабамиз Маҳмудахон Ҳайда- ровани сўнгги йўлга кузатишга бориб, бир ойнанинг нари-берисиди тўйи бўли- ши керак бўлган катта қизи Гавҳар- ни, ёлғизгина ўғли Зуфаржонни, яна ҳамма жажжи қизчасини юпатишга сўз топа олмаганди...

Мана, орандан бир ярим йил ўтиб- ди ҳамки, Маҳмудахоннинг йўқлиги- га ҳали-ҳануз кўниқолмаяпмиз. Ҳар куни эшик оҳиста очилиб, "кечга қолмадимми? дея шивирлаб кириб келаётгандек туюлаверади. Уйдаги юмушларидан, фарзандлари таш- вишларидан, кекса қайнона-ю қай- нотасининг хизматларидан ортиб йўл- йўлакай ҳаёлан пишитиб келган ма- қоласини апил-тапил қоғозга туши- раётгандек бўлаверади.

Маҳмудахонни жуда кўплаб мақо- лалар ёзарди, кучли журналист эди деб айтолмасак-да, у ажойиб инсон, кўнгли пок, самимий дўст, энг муҳи- ми, меҳрибон, заҳматкаш ОНА эди, дея баралла айта оламиз. Яна ўта сод- дадил, таъсирчан аёл эди.

Ёдимда бор, бир куни йўли тушиб Меҳрибонлик уйининг ёнидан ўтиб қолибди. У ердаги болаларнинг мунг- ли нигоҳларини кўриб, анча вақтга- ча таъсирланиб юрди. Дунёнинг иш- ларини қарангки, ўзи ҳам тўрт нафар қора кўз фарзандларини бўзлатиб, ўзидан ширин хотиротлар қолдириб орамиздан бевақт кетди... Рўза-рама- зон кунларида ҳамкасабамизни хотир- лаб ўтиргандик, турмуш ўртоқлари

Иродахон учун бугун жуда қувонч- ли кун - мактабда "Алифбе" байра- ми бўлади. Кечқурун алламаҳалгача таралдуланди, шеърлари, матнлари- ни такрорлади. Устозлари қатнашадиган, ота-оналар ҳам меҳмон бўлиб келишадиган тадбирни олиб бориш- нинг ўзи бўладими, ахир?!

Тадбир жуда зўр ўтди. Олқишлару қарсақларга тўлиб кетди синф хона- лари. Лекин Иродахон хурсанд бўлиш ўрнига, уйига бироз хомушроқ, ланж бўлиб қайтди. Боши оғриётганидан но- лиди. "Чарчагандирсан, бироз дамин- ни олсанг, ўтиб кетади" дея юпат-

Ҳамкасабим ҳақида сўз

Зафаржон ака икки қизчаларини етаклаб кириб келдилар. Кенжа қизи Ирода худди онасининг ўзгинаси (умри ўхшамасин илоё!).

-Опалари, қизчамиз бир шеър ёзибди, шуни бир ўқиб кўрасизлар- ми-а? Қани қизим, кўрсатгин.

Дадасининг орқасига беркиниб турган қизалоқни суҳбатга тортдик:

-Ирода Орипхўжаева, 268-мактаб- нинг 5-синф ўқувчисиман, - дея ўзи- ни таништиради у..

-Ўқишларингиз қалай? Қайси фан- ларга қизиқасиз?

-Ўқиш-

ОРАТ РИХИ ҚИЗИМИ!



Ирода

ларим яхши, ба- ҳоларим "4" ва "5". Она-тили ва адабиёт фанларини яхши кўраман. Ўқитувчи- ларимдан синф раҳ- баримиз Лобар опамни, яна рус- тили ўқитувчи- миз Сора опам- ни жуда яхши кўраман. Ада- жонимни ҳаммадан кўпроқ яхши кўра- ман. Жажжи жиянчам Иб- роҳимбекни ҳам яхши кўраман.

-Уй юмушларига ҳам ёрдамлаша- сизми?

-Ҳа, Моҳира опам овқат пишира- дилар. Мен эса ейишга кўмаклашиб юбораман (кулади). Ҳазиллашдим, идиш-товоқларни юваман.

Кеча ойижонимни жуда-жуда со- гиниб кетдим. Кейин уларни эслаб ўти- रिб, мана шу шеъримни ёздим. Уни бувижонларимга, адажонимга ўқиб бердим. Сизларга ҳам ўқиб берайми?


-Албатта, эшитамиз.

ОНАЖОНИМНИ ЭСЛАБ...

Она кўнгли болада, Бола кўнгли далада. Йўқ ундай эмас, асли Бола кўнгли онада. Она бир мўътабар зот, Ўрнин босолмас ҳеч ким. Уйқуларидан кечиб, Аллалар айтар хўш, ким? Нима учун Ватанин Она-Ватаи дегаймиз? Чунки уни ҳам худди, Опамиздек севгаймиз. Баракалла, Иродахон! Тезроқ ул- гайиб, онангиз орзулагандек инсон бўлиб етишинг. Маҳмудахоннинг руҳи кўлласин, қизим!

ган бўлди онаси. Кечга бориб боши- даги оғриқ янада зўрая борди. Эртаси- га ҳам, индинига ҳам бирор ўзгариш сезилмади. Шифокорларга кўрсатиш- ди, табибларга ҳам олиб боришди. Тек- ширишлардан сўнг

унга "менин- гит" дея ташҳис қўйишди ва "Қизингизнинг боши тузалади-ю бироқ қай бир аъзосидан айрилади" дея бор ҳақиқатни айтишди Ироданинг дадасига. Эргаш аканинг дарди дунёси қоронғу- лашиб кетди. Онаси- нинг кўз ёшлари тийил- май қолди. Ойдек қизи кар ва гунг бўлиб қола-



Har bir qizaloqning dilida orzulari bo'ladi. Mening ham orzularim bisyor, raqqosa bo'lsam deyman. Tunov kuni televizor orqali Mukarramaxonim Turg'unboeva ijro etgan raqslarni ko'rsatishdi. Ularni zo'r qiziqish bilan ko'rayotganimni ko'rgan oyijonim "Munojot"u "Tanovor" raqslarini zo'r mahorat bilan ijro etganliklari haqida gapirib berdilar. Shunda men ham Mukarramaxonimdek raqqosa bo'lish niyatida ekanligimni aytdim...

-Nargiza qizim, yur men seni bir joyga olib boraman. Qaergaligini keyin bilib olasan,- deb qoldilar oyijonim etasi kuni. Shayxontohur tumaninig Ibn Sino mavzesidagi ko'p qavatli binolar orasida bir maskan bor ekan. U yerdan bolalarning shovqin-suronlari, kuy va qo'shiqlari, doira sadolari eshitilib

Keyin bilsam bu "Ibn Sino" nomidagi madaniyat Markazi ekan. Uzoq yillardan buyon madaniyat va san'at sohasida mehnat qilib kelayotgan Markaz direktori, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan madaniyat xodimi Azim aka Azizov san'atsevar o'g'il-qizlarni jamlab, "Umid" xalq raqs ansambli tashkil qilgan ekanlar. Dastlab 40-50 nafar o'g'il-qiz qatnashib yurgan dasta hozirga kelib 500-600 nafar a'zosi bo'lgan "Umid" xalq studiyasiga aylantirilibdi. Karnay-surnaychilar, raqqosalar guruhi, xor jamoasi, shuningdek, askiyachilik, qo'shiqchilik, aktyorlik mahoratini mujassamlashtirgan "Qiro" nomli adabiy-badiiy guruhlarda ko'plab tengdoshlarim san'at sirlarini o'rganib kelishayotgan ekan. Buni qarang-ki, barchamizning sevimli xonandalarimiz Ozoda Nursaidova va Abdulla Qurbonovlar ham mana shu studiyada kamol topishgan ekan.

-Studiyamiz bilan Hindiston, Germaniya singari juda ko'plab mamlakatlarda ijodiy safarlarda bo'lamiz,- deydi Azimjon aka qiziqishlarimni payqab.-Qaerga bormaylik, bizdan. "Mukarramaxonim hayotmilar? Nega, sahnalarda ko'rinmay qoldilar?",- deb

ди-ю йиғламай бўларканми, ахир?.. Лекин Ироданинг руҳи тушмади, мактабдаги ўқишларини ҳам тўхтат- мади...

Ҳозирги кунда у Фориш туманида- ги Амирхон Боқиев номли 79-мак- табнинг 7-рассомлик бўйича гимна- зия синфида таҳсил оляпти. Гарчанд кулоқлари эшитмасида, устозлари- нинг оғиз қимирла- тишларидан

нима дей- ишаётганини тушуниб олиб, энг яқин дугонаси Зилодахон кўмагида фанларни аъло баҳоларга ўзлаштира бошлади. Инглиз тили му- аллими - синф раҳбари Ҳамдам ака Мухторов ҳам Иродага худди ўз қизидек меҳри- бонлик қилади. Уйда онасининг энг яқин ёрдамчи- си, сигир-бузоқ- ларга қарайди. Че- варлигини айт-



so'rashadi. Opamizga bo'lgan bu darajadagi e'tiboru hurmatdan boshiniz ko'klarga yetib ketadi. Ich-ichimdan quvonib: Mukarramaxonimni "mangulikka dahldor san'atkor" deb

MUKARRAMAXONIM QIZLARI

bejiz aytishmagan-da axir, deb qo'yaman... Yana opamizni, o'zbek raqs san'atining malikasi, deb ham atashar ekan. Mukarrama Turg'unboeva agar hayot bo'lganlarida bu yil 87 bahorni qarshilagan bo'larkanlar. Azim akaning gap-so'zlari mazmunidan Mukarramaxonimga mehrlari juda baland ekanligini payqadim. Mana 20 yildirki, "Mahgu barhayotsiz, Mukarrama xonim" deb nomlangan xotira kechasi o'tkazib kelarkanlar. Oyijonim meni ana shu kechaga olib boribdilar. Kechaga opamizning yoru-do'stlari, safdoshlari-yu shogirdlari mehmon bo'lib kelishdi. Hammalari uchun aziz va ardoqli bo'lib qolgan xotirotlari bilan o'rtoqlashdilar. Kecha menga juda yoqdi. Ayniqsa, "Umid" xalq studiyasi qoshidagi raqqosa qizlar guruhi a'zolarining raqslarini maroq bilan tomosha qildim. Shu kuniyoq raqqosa qizlar guruhiga a'zo bo'lib qaytdim.

Nargiza JALILOVA, Sobir Rahimov tumanidagi 249-maktabning 7-sinf o'quvchisi.

3-декабрь ногиронлар куни

майсизми? Ўзига тикиб олган чирой- ли кўйлақларини кўриб, дугоналари ҳавас қилишади. Кўли бўшади дегун- ча китоб ўқийди, шеърлар ҳам тўқийди. Синф раҳбари унинг чизган суратла- ри асосида "Ироданинг кўрғазмаси"- ни ҳам ташкил қилди. Кўрғазмани на- фақат болалар, балки уларнинг ота- оналари ҳам зўр қизиқиш билан то- моша қилишди.

Эътиборингизга Ирода Умарова ёз- ган шеър ва чизган суратни ҳавола қилаёلمиз.

ИСЛОМ БОБОМБАЛ ШИЛА АҚЛА АРЧЕМ

Суратингиз хонаминг Тўрига осиб кўйдим. Менинг бобомсиз, дея, Дилимдан фахр туйдим. Фарзандларим бахтимга, Омон бўлсин дедингиз. Бола-келажак дея, Бор меҳрингиз бердингиз. Ҳаловатдан кечгансиз, Тинчлигимиз йўлида. Кўнглимиз тўқ-эртамиз, Сиздек инсон қўлида. Эзгу тилақлар сизга, Ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Эртаси порлоқ юртим, Бахтга ва нурга тўлсин! Бошингиз ғам-қулфатни, Кўрмасин-е ҳеч қачон. Бизнинг ҳам бахтимизга, Омон бўлинг, бобожон!

Саҳифани Феруза ЖАЛИЛОВА тайёрлади.

УММАНГА ТАРТ ТА МОЛЕ ЁР!



# ТАШРИҚ ЗАТТИ ЖАВОХИРЛАРИ

**Шу кунларда муборак Рамазони шариф муносабати билан жамики мусулмонлар ўзларининг фарзларини ало этаёттирлар. Ана шундай қутлуғ дамларда беихтиёр улуг зотлар, улуг ишларни амалга оширган боболаримизни ёдга олгимиз келади.**

**Муҳтарам ўқувчилар! Биз бугун халқ орасида Президент Академияси деб аталадиган Тошкентдаги Давлат ва Жамият қурилиши академиясининг аспиранти Олима Набиева билан айнан шу кунлари қалбимизнинг тўридан жой олган азиз хотиралар ҳақида суҳбатлашдик.**

**-Олима опа, марҳамат, ўзингиз машғул бўлаётган соҳа, муштарийларга ўрнак бўладиган воқеалар тўғрисида гапириб берсангиз!**

-Ушбу қутлуғ Рамазони шариф кунларида Машриқзаминда ўтган кетган буюк зотларнинг номларини эслаб, уларнинг пок руҳларини шод этиб кўйсак, иншооллоҳ, икки олам сарвари ҳам биздан рози бўлажак.

Авалом бор, марҳум устозимиз Ғайбуллоҳ ас-Салом домламит номини эҳтиром билан эслайман. Чунки мен бундан бир неча йил муқаддам Давлат ва Жамият қурилиш Академияси аспирантурасида Ғайбуллоҳ ас-Салом домла раҳбарлигида "Мовароуннаҳр қабртошларига битилган Марсиялар - ХУ-ХІХ асрлар" мавзусида илмий изланишлар билан машғул бўла бошладим. Бу мавзу бир қарашда ғалати кўриниши мумкин. Бироқ, Машриқзамин жавоҳирлари, яъни аксарият маънавий бойликларимиз узок йиллар мобайнида пинҳон тутиб келингани инobatга олинса, истиқлол туфайли тарихий қадриятларимизни қайтадан "кашф" эта бошладик. Жумладан, ўлкамиздаги муқаддас саждаҳолар саналмиш мазористонларимиздаги қабртошларга битилган марсияларни илмий нуқтаи назардан бемалол ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Ҳозиргача олиб борилган илмий кузатишларим натижасида Машриқзамин халқларининг маданий алоқалари,

Тўлқин "аълочи" бола. У доим ўртоқларини ўз орқасидан эргаштириб юради. Ташкилотчилик қобилияти ҳам таҳсинга сазовар. Энг муҳими - Тўлқин "врач маслаҳатлари"га амал қилиб, доимо тишларини телевизорда қайта-қайта реклама қилинадиган "Нескафе" пастаси билан ювиб юради. "Бленд-а-мед"ни ҳам яхши кўради. Лекин ўқитувчиларнинг панд-насихатлари қулоғига кирмайди. Улар: "Рекламага ишонмаган, китобга ишонгин!" деб минг марта айтишган бўлса-да, Тўлқин рекламаларга ишонади. Бир ҳисобда Тўлқиннинг ўжарлигида ҳам жон бор. Чунки ўзи фаол аъзоси бўлган "Ёш тарихчилар тўғараги"да

таъбир жоиз бўлса, сув ичган булоқлари жуда яқин бўлганини кўрсатадиган далолатларга дуч келдим. Бу ўринда Ўзбекистон худудидаги қадимий мазорлардаги, хусусан, Бухородаги "Чор Бакр", яъни Жўйборий шайхлари дафн этилган мазордаги қабртошларга битилган марсиялар, асосан, Шарқ мусулмон халқларининг ардоқли шоирлари ҳисобланган мавлоно Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк зотларимизнинг ғазаларидан парчалар эканини кўрсатиб ўтиш мумкин. ХУ-ХІХ асрларда ҳатто қабртошларга ҳам улуг шоирларнинг ўлмас шеъриятдан намуналар тошларга ўйиб ёзилган экан. Демак, уларнинг ижодий мероси Машриқзамин халқларининг доимий ҳамроҳи бўлган. Умуман, маънавий қадриятларга эҳтиром намунасини ҳазрат Навоий ўз ҳаёти ва ижоди мисолида яққол акс эттирганлар. Масалан, Амир Алишербек Навоийнинг устоз Абдураҳмон Жомийга содиқ мурид бўлганини тарихдан биламиз. Лекин машҳур тарихий асар "Равзат ус-сафо" муаллифи Муҳаммад Мирхондга ҳомий-

"Бобурнома" китобига бағишланган илмий-назарий-кўргазмали нафис мажлис бўлган чоғда бир марта панд еган эди. Хусусан, эркин фикр алмашув чоғида Тўлқин: "Бобуржон ҳижрий саккиз юз тўқсон тўқузда, Фарғона вилоятига, ўн икки яшарлик пайтида подшо бўлади. Демак, муаллиф тахтга ўтиргандан сўнг "қундалик" ёза бошлайди. Ҳижрий 899 йил милодийга ўтирилса, 1493 йилга тўғри келади. Демак, Бобур 1481 йилда туғилган бўлиб чиқади - 2001 йилда Бобур Мирзо роппа-роса беш юзу йигирмага киради", деб кўпчиликти ҳайрон қолдиради. Равшанки, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг 1483 йилда туғилганига ҳеч қандай шубҳа қилмайдиган ўқувчилар бир ёқадан бош чиқариб, Тўлқинбойнинг пўстагини қоқадилар... Ўша дўстона танқидлардан кейин

лик қилганини баъзан эътиборимиздан четда қолдирамиз. Ваҳоланки, "Равзат ус-сафо" асарининг хотима қисмида аллома Мирхонд: "Муаллифи китоб ҳангоме ки ба шарҳи ҳоли Шохрух расида буд дучори беъморий заъфи жигар ва дарди куллия гардид. Чунонки, қудрати ҳаракат ва мажоли нишастан аз у салб шуд. Агтибо дар муолижаи у кўшиданд ва уро ба парҳез дар ғазо мукаллаф сохтанд... Чун ба навиштан мепардохт хобхойи нек мездид ва ин нест магар аз каромат ва инояти амири бузруквор амир Алишер Навоий", деб мамнуният билан эътироф этади. Бу ҳол ҳазрат Навоийнинг Машриқзамин тарихига хурмат-эътиборидан нишона эди. Боз устига, ул ҳазрат ўзининг "Тарихи мулки Ажам" (1487 й.) асарида ҳам амалда эҳтиромини кўратганда. Демак, Машриқзамин жавоҳирлари - Навоий, Жомий, Саъдий, Ҳофиз каби улуг зотлар бир манбадан озикланганлар, бир чашмадан сув ичганлар... Биз ўз тарихимизни, улуг зотлар ҳаёти ва ижодини қанчалик теран ўргансак, муштарак қадриятларимизга шу қадар яқинлашиб борамиз, деб ўйлайман.

Суҳбатдош:

Абдуҳамид

АБДУҒАФФОРОВ

Тўлқин китобларга ҳам ишонмай қўяди-ю, аммо муаррих Хондамирга бағишланган илмий-назарий-кўргазмали нафис мажлисда асосий маърузадан сўнг яна сўзга чиқиб кетганини ўзи ҳам билмай қолади. Виқор билан минбарга кўтарилган Тўлқин ҳаммани донг қолдириб, чўнтагидан бир парча қоғоз чиқаради-да ифодали ўқий бошлайди: "Хондамирнинг бой илмий мероси ҳақида фикр юриштишдан аввал шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, у сарой кишиси, ҳукмрон феодал синфнинг вакили эди. Шунинг учун ҳам у ўз синфининг мақсад ва манфаатларига садоқат билан хизмат қилди, ўз асарларида ана шу ҳукмрон синфнинг руҳи ва дунёқарашини акс эттирди. Меҳнаткаш омманинг оғир турмуши эса унинг назаридан четда қолди. Ўз турмушини яхшилаш учун курашган меҳнаткашларни эса "аҳли фитна", "бебошлар" деб атайдди. Шунга қарамай, унинг асарлари диққат билан ўқилса, ундан меҳнаткаш омма ҳақида ҳам бирмунча қимматли маълумот олиш мумкин".



## Тўғри сўздан яхшироқ садақа йўқдир

Сенинг ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидир.

\*\*\*

Ҳалол ризқ исташ ҳар бир мусулмоннинг бурчидир.

\*\*\*

Жаннатга кираман деган одам оналарнинг ризолигини олсин.

\*\*\*

Ҳаёли, одобли бўлмоқ ҳар вақт хайри ишларга сабаб бўлур.

\*\*\*

Мўмин кишида ёмон хулқ билан бахиллик бўлмас.

\*\*\*

Кўшнинг сени яхши деб билса, албатта, яхшисан, ёмон деб билса, ёмонсан.

\*\*\*

Кимки ўғай ёки етим болаларни тарбия ва ҳимоя қилиб ўстирса, у жаннати одамдир.

\*\*\*

Аллоҳ Таоло олдида тўғри сўздан яхшироқ садақа йўқдир.

\*\*\*

Илм истаб ўтказган бир соат тун бўйи ибодат қилишдан яхшироқдир. Илм истаб ўтказилган бир кун уч ой рўза тутишдан яхшироқдир.

**Кўчирма тамом: "Тарихдан сабоқлар" китоби, Тошкент, "Ўқитувчи", 341 бет**, деб орқа қаторга бориб ўтиради. Равшанки, залда яна шов-шув кўтарилади. Тўлқинбой "ҳаётдан орқада қолгани учун" танқид қилинади. Негаки, у кўчирма олган китоб 1994 йилда нашр этилиб, ўзининг илмий қимматини йўқотган эмиш...

Куни кеча Тўлқинбой ўртоқлари билан "Рамазон" айтиб, эшикма-эшик юрган пайтида, қизиқиб кетиб ифтор бўлаётган хонадонга бориб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. Рамазончилар:

**"Ўчоқда кул, кармонда пул, Чиқара қолинг, юз сўм пул!",** деб роса қичқиришди.

Бир пайт ичкаридан чакмонни елкасига ташлаб олган тарих ўқитувчиси чиқиб қолди ва: **"Рамазонни бунақа айтмайди!"** деб уришиб берди... Тўлқин йиғлаб юборди, ўртоқлари олдидав чунонам изза бўлдики, асти қўяверасиз... Энди у суҳандон бўлмоқчи!

**Зиратча - ПРЕСС**





Инсониятнинг кўпмиг йиллик тарихи давомида шундай улуғ зотлар яшаб ижод этганларки, уларнинг номи ва асарлари ҳамон ардоқли ва ўз аҳамиятини заррача йўқотмаган. Шундай зотлардан бири форс-тожик адабиётининг улуғ намоёниси Фирдавсий бўлиб, у яратган

замонлар учун ҳам муҳим ва актуал бўлиб қолаверадиган қатор олижаноб гоёлар илгари сурилган. Лекин Ватанни улуғлаш, халқ қудратининг улуғворлигини кўрсатиш, халқнинг фидойи фарзандларини мадҳ этиш, адолатга чақириш “Шоҳнома”да илгари сурилган бош гоё дейиш тўғри бўлади.

Фирдавсий умрининг энг яхши даврларини сарфлаб шоҳ асарини тақдим этиш учун муносиб ҳукмдорни узоқ вақт кутади. Пировардида уни Сомонийлар ҳукмдори Маҳмуд Фазнавийга тақдим этади. Лекин “Шоҳнома”да мадҳ этилган инсонпарварлик, севги, адолат, биродарлик гоёлари Маҳ-

муд Фазнавийнинг бос-қинчилик сиёсатига мос келмаганлиги туфайли ҳукмдор асарни алам билан кутиб олди, ваъда қилган олтинлар ўрнига кумуш тангалар юборди.

Ривоят қилишларича, ҳукмдорнинг бундай пасткашлигидан ўзини



## ДУНЁ АДАБИЁТИНИНГ ДУРДОНАСИ

“Шоҳнома” достони жаҳон адабиётининг энг гўзал ва энг буюк асарларидан саналади. Шоирнинг ўзи номи, асари мангуликка даҳлдорлигини, асрлар оша келгучи наслларга етиб боришини фахр билан башорат қилган эди:

Кўп олий қасрлар бўлурлар хароб,  
Уруб қору ёмғир, шамол, офтоб.  
Вале шеърдан бу бинойи жаҳон,  
Уни дарз этолмас шамолу бўрон.  
Сухан тухмин экдим чекиб меҳнатим,  
Мен ўлмам, асрлар яшайдур отим!

Шоирнинг шахсий ҳаёти тўғрисида бизгача жуда кам маълумот етиб келган. Абдулқосим Фирдавсий Эроннинг Тус (ҳозирги Фирдавс) шаҳрида 940-941 йиллар атрофида туғилган. Ота-боболари ўнинчи асрнинг ўрталарига келиб ермулкни йўқотиб камбағаллашган заминдорлардан бўлишган. Демакки, шоир илгариги мавқеидан маҳрум бўлган феодаллар синфининг вакилидир. Бу ҳолат унинг асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Абдулқосим зукко ва тиришқоқ бола бўлиб ўсди. Замонасига нисбатан пухта билим олди, мадрасада ўқиди, араб, қадимги Эрон тили ҳисобланган паҳлавий тилларини чуқур ўрганди. Эрон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Юнонистон олимларининг турли билим соҳаларига доир асарлари билан танишди. Фирдавсий ҳақида нисбатан тўлароқ маълумот борувчи асосий манба шубҳасиз шоирнинг ўз асари “Шоҳнома”дир. Шоир 976 йилдан эътиборан қарийб ўттиз беш мобайнида, яъни 1010 йилларгача “Шоҳнома” устида муттасил ижодий меҳнат қилди. Натижада катта тарихий даврнинг улкан бадийий солномаси дейишга арзиғулик буюк эпопея, шоирнинг номини жаҳонга таратган мислсиз асар дунёга келди. “Шоҳнома” ҳам мазмунан, ҳам ҳажман дунё адабиётида тенгсиз асарлардан биридир. Достон 55 минг байт, яъни бир юз ўн минг мисрадан иборат бўлиб, Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг 4000 йиллик тарихини ўз ичига олади.

Асар уч қисмдан ташкил топган. “Шоҳнома”нинг биринчи афсонавий қисмидан қадимги Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг ривоят, ҳикоят афсоналари, диний ақидалари ўрин олган. Шоир маҳаллий халқларнинг турли афсоналарида учровчи қаҳрамонларнинг унутилмас образларини чизади. Қаюмарс Жамшид, Хушанг, Кова образлари шоир буюк истеъдодининг медаллари бўлиб, афсонавий қаҳрамонларнинг гўзал намуналаридир. Бу қаҳрамонларнинг аксарияти халқни бирлашишга, мамлакатни озод этишга отланган фидойи инсонлар.

“Шоҳнома”нинг иккинчи, асосий қисми эса қаҳрамонлик эпосидан иборатдир. Бу қисмда кўпроқ қаҳрамонна воқеалар ҳикоя қилинади, чинакам баҳодир, дўстларга меҳр-шафқатли, душманга чексиз қаҳрли Рустам бош қаҳрамон сифатида тасвирланади. Бундан ташқари Сўҳроб, Исфандиёр, Баҳром, Сиёвуш, Искандар, Маздак сингари турли даврларда яшаб ўтган қаҳрамонларнинг ёрқин образлари яратилган.

“Шоҳнома”нинг учинчи, тарихий қисми эса ўз ичига зардуштийлик динининг пайдо бўлишидан то арабларнинг Ўрта Осиё ва Эрон ерларига бостириб киргунларигача, бўлган даврни олади. Достон ичида достон шаклида битилган “Шоҳнома”да 50 подшолик тарихига махсус боблар ажратилган. Ҳар бир боб катта ёки кичик алоҳида достондан иборат. Ўз навбатида ҳар бир достонда қатъий қоидага риоя қилинади, у дебеча, асосий қисм ва хотимадан ташкил топади. Улкан асарда ўз даври, ҳатто барча



AQL VASFI DA BIR NECHA SO'Z

Bukun, ey huradmand, so'zni avvalan  
Boshlaylik aqlning maqtovi bilan.

Aql to'g'risida ne bilsang gapir,  
Qiziqqanni etma ko'pam muntazir.  
Xudo nematlarin oliysi idrok,  
Aqlni vaf' etar kimki dili pok.

Aql bir tirik jon, bilmaydi zavol,  
Aql turmush asli, buni yodlab ol.  
Aql yo'l ko'rsatib, dilni etar shod,  
Har ikki olamda aqlli obod.

Aql dan g'amginlik, shodlik, o'ktamlik,  
Aql dan borligu yo'qligu kamlik.  
Agar aql xira bo'lsa har inson,  
Shodlikka erisha olmas bir zamon.

So'zidan donolar olguvchi ibrat  
Oqil kishi qilmish shunday nasihat:  
“Gar aqlin rahnamo qilolmas kishi,  
Dilin o'rtar uning qilgan har ishi.

Hushyorlar: “devona” deyishar uni.  
Xeshlari “begona” deyishar uni.  
Aql ulug'likka etadi payvand,  
Aqlsizning doim oyog'da band.

Aql dil ko'zi-ku, fahmiga etsang,  
Yaxshimas jahondan ko'r o'tib ketsang.  
Xudo berganlarin aql sultoni,  
Aql-ku aslida yurak posboni.

Sening posboning ko'z, quloq, zabon,  
Etushgay shulardan yaxshi-yu yomon.  
Aql birla dilni vaf' aylagay kim?  
Agar men vaf' etsam, quloq solg'ay kim?

Hakimlar bo'lmasa so'zdan ne foyda?  
Jahon asosini izlab ko'r, qayda?  
Jahondor yaratgan oliy zot inson,  
Senga ma'lum barcha oshkoru nihon.

Hamisha aqlingni rahnamo etgil,  
Noloyiq ishlardan olisroq ketgil.  
Yo'l izla donolar suxani tomon  
Dono so'zin takror etib, kez jahon.

Har nechuk ilmdan eshitsang bir so'z,  
Uni tinmay o'rgan kechayu kunduz.  
Ilmdan bir shu'la dilga tushgan on  
Shunda bilursankim, ilm bepayon”.

ҳақоратланган ҳисоблаган Фирдавсий юборилган кумуш тангаларни уч бўлакка бўлиб, бирини ҳаммом ходимига, бошқа бўлагини шарбат сотувчига, қолганини хоннинг тортигини келтирган мулозимларга бериб юборди. Бугина эмас, шоир ҳукмдорни зоти пастликда айблаб, ўткир ҳажвия ёзади:

Шоҳлардан бўлсайди у, шоҳга падар,  
Кийгизган бўларди менга тожи зар.  
Агарда онаси бўлсайди хондан  
Тиллага кўмарди мени нақ сондан...  
Зоти пастларга ҳеч умид боғлама  
Қаро тун оқармас, дилинг доғлама.  
Жаҳонгирнинг номи бўлганида пок,  
Билимдонлар дили бўлмас эди чок.  
Ранжиган шоир ҳажв яратса агар,  
Янграр у қиёмат кунига қадар.

Ўша даврларда яратилган бир ривоятда Фазнавий шоирни филнинг оёғи остига ташлаб ўлдиришга фармойиш берганлиги айтилади. Дарҳақиқат, энди шоир Маҳмуд қаромоғидаги юртларда қолиши мумкин эмасди. Шу боис узоқ элларда қочиб юришга, фақирликда кун кечиришга мажбур бўлади. Кексалик даврлари дарбадорликда ўтган шоир ҳаётининг сўнгги йиллари она шаҳри Тусда кечади. Бир ривоятда ҳикоя қилинишича, орадан узоқ йиллар ўтгач, Маҳмуд Фазнавий улуғ шоирга нисбатан қилган адолатсизлигига пушаймон бўлади ва ўша вақтда ваъда қилган олтинларини Тусга жўнатади. Аммо шоҳнинг карвони шаҳарнинг бир дарвозасидан кириб келаётганда шоирнинг тобутини шаҳарнинг бошқа дарвозасидан олиб чиқиб кетишгаётган эди. Руҳонийлар шоирнинг жасадини мусулмонлар қабристонига кўмишга ижозат беришмайди. Шоир шу боисдан отасидан қолган боғнинг бир чеккасига 1025 йилда дафн этилади. Лекин шоирнинг номи ва жаҳон адабиётининг шоҳ асари бўлмиш “Шоҳнома”си мангу барҳаётдир. Мана, минг йилдан ортиқроқ вақтдан бери бу асар севиб ўқилмоқда. Эндиликда у дунёдаги жуда кўп халқларнинг тилларига таржима қилинган, қайта-қайта нашр этилмоқда.

Ўзбек халқи ҳам бир неча асрлардан бери бу асар билан яхши таниш. Чунки эски мактаб ва мадрасаларда “Шоҳнома” ҳақида ҳам муқаррар равишда маълумот берилган, ўқитилган. Мактаб ва мадрасаларда араб тили билан ёнма-ён форс тили ҳам чуқур ўргатилганлиги, шуниингдек, турли йиғинларда, гап-гаштакларда шоҳномахонликлар тез-тез бўлиб турилганлиги эътиборга олинса, масала янада равшанлашади.

“Шоҳнома” асарини ўзбек тилига таржима қилишга қизиқиш анча илгари бошланган. Улкан асарнинг таркибига кирувчи “Сиёвуш” достони XVII асрнинг бошларида ўзбекчага ўғирилган эди. Орадан бир аср ўтгач асар Шоҳ Ҳижрон, Мулло Хомуший, Нурмуҳаммад Бухорийлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Лекин бу таржималар тўлиқ эмас. Шунингдек, насрий йўлда бажарилган 1975-1977 йилда эса “Шоҳнома”дек буюк асар деярли тўлиқ ҳолда тарихимизда илк мартаба шеърый йўлда таржима қилинди. Шоислом Шомухамедов, Ҳамид Фулом, Назармат, Жуманиёз Жабборов сингари атоқли шоирларимиз томонидан машаққат ва муҳаббат билан амалга оширилган таржима 3 та китоб ҳолида ўзбек тилида босилиб чиқди. Шундай қилиб жаҳон маданиятнинг нодир намунаси “Шоҳнома” ўзбек халқининг ҳам маънавий мулкига айланди.

Раҳматилла ИНОҒОМОВ,  
филология фанлари номзоди

- Рустамбек Абдуназарович! Хадиси Шарифда "Жаннат онанинг оёқлари остидадир", дейилган. Бунинг маъноси "Онанинг дуосини олмаган, онанинг хизматини аъло даражада бажармаган инсон жаннатдан бенаибдир" дегани. Менинг назаримда болалар ҳам худди шундай илтифотга эгадур. Болаларни рози қилмаган, хизматини аъло даражада бажармаган одам ҳам жаннатдан бенаиб қолади...демак, биз ҳар қандай шароитда ҳам болаларни диққат-эътиборини четда қолдирмаслигимиз шарт.

- Рост айтасиз, қолаверса, оналаримизга, болаларимизга хизмат қиладиган ўз-ўзимизга, яъни эркакларга ҳам хизмат қилиш тушунчаси келиб чиқади. Кимгадир "ота" деб аталиш, кимгадир "она" деб аталиш мутлоқа нисбий тушунчадир. Бир ватан фарзандлари, бир миллатга мансуб кишилар учун шу ватаннинг, шу миллатнинг фарзандлари - одамларга соддароқ қилиб тушунтиришда болалар эрталаб кўзимизни очиб, фикримизни жамлаган ондан эътиборан кун бўйи ва уйкуга толган дақиқаларимизга қадар диққат-эътиборимизда туриши шарт. Болаларимизни қайсидир дақиқаларда хотирандан чиқардикми ё қаровсиз қолади, ё оч қолади ё мактабга бормай саводсиз бўлиб қолади. Мана шу тушунча - туйғулар доимий равишда диққат-эътиборимизда турсагина Навоийлар, Синолар, Хоразмийлар, Берунийлар, Улуғбеклар, Темурлар дунёга келади, деган қарорга келиш мумкин. Навоий, Темур, Улуғбек, Беруний, Сино, Хоразмий ҳам мана шу доимий диққат-эътиборнинг маҳсулидир. Билинки, болаларга қайғурмоқ - келажакка қайғурмоқдир.

Олийгоҳларда дейсизми, ҳатто ёш болалар ўқиётган лицейларда ҳам баъзи холларда, баъзи бир кимсалар томонидан, яъни ўқишга киришлари учун "қўлҳаққи" талаб этилаётгани сир эмас. Қаердаки манфаат бўлса, у ерда мустақилликдан кейин ҳам биз ўз-ўзимизни қайта қуришимиз зарурияти туғилади. Юртбошимизни "Яхшиликни, эзгуликни ҳар лаҳза, ҳар куни қилинган!", деган йўналишларидан чиқмаслигимиз керак. Ховос туманида 23 умумтаълим мактаблари бор. Ундан биттаси ижтимоий фанларни чуқур ўргатадиган мактаб. Мазкур мактабларда 11018 нафар ўқувчи тарбия олади, уларнинг устозлари сони эса 721 тадан иборатдир. Мактабларнинг 15 таси махсус биноларда, қолганлари эса мослаштирилган биноларга жойлашган. Туманимизда 10 та болалар богчаси бўлиб, улардан 7 таси ишлаб турибди. Богчаларда 320 нафар болалар тарбияланади. Айни пайтда туманимизда 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1 та ўқувчилар ижодиёт саройи фаолият кўрсатади.

ётир. Бу саройда 32 та турли тўгарак бўлиб 1500 болалар жалб этилган. Туманимизда кейинги йилларда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тубдан яхшиланди. Жумладан ўрта мактабда аъло ўқиётган ўқувчиларга ҳар йили март ойида "Аълочи ўқувчи" тадбири уюштирилган ва уларга туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари тақдим этилади. 1997 йили 28 нафар, 1998 йили эса 20 нафар, 1999 йили 12 нафар, 2000 йилда 13 нафар ўқувчиларга туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Илгари ҳокимликнинг эсдалик совғасини олиб, сўнг Олий ўқув юртралида ўқиётган 5 нафар талаба ҳам "Аълочи талаба" тариқасида тақдирланиб борилаётир. 2000 йилнинг 21 май куни Гулистон

Давлат университетида таҳсил олаётган 52 нафар талабалар туман марказидаги майдонга таклиф этилиб "Уч авлод" учрашуви ташкил қилинди. Улар қимматбаҳо совғалар билан ҳам тақдирланди. Қизиғи шундаки ҳокимлик "аълочи" деб тақдирлаган ўқувчилар бугунги кунда Олийгоҳларда ҳам аъло баҳолар билан ўқиётир. Туман марказида турли байрамларда фаол иштирок этган 13 ва 21-мактабларнинг бадий тўгараклари рубоб, доира, магнитофон ва бошқа мусиқа асбоблари билан мукофотланган. Президентимизнинг ташаббуси билан 2000 йил "соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан туман марказида "Соғлом авлод орзуси" тадбири ўтказилди. Ҳар йили август кенгаши ва ўқитувчилар куни муносабати билан бир гуруҳ ўқитувчиларимиз ҳам ҳокимликнинг эсдалик совғалари билан тақдирланади. 2 мактабда АВМ, 13 та мактабда компьютерлар мавжуд. 2000 йилда 1123 нафар биринчи синф ўқувчиларига бепул кийимкечак берилди. Мактабларимизда ота-оналар хўжалик раҳбарлари ва тадбиркорлар, фермерлар иштирокида йиғилишлар ўтказилиб туради ва ишларимиз яхши натижалар бераётир. Амир Темур хўжалигидан 13-мактабни таъмирлаш учун Б.Қаюмов 50 000 сўм ёрдам қилди. 7-мактабга эса Эркин Йўлдошев 80 минг, Акбар Тошқулов эса 50 минг ўтказиб беришди. Бу рақам туман бўйича 2 миллион сўмни ташкил этади. Ҳомийлар ёрдамида 1 ва 7-мактаб, "Гулшан" болалар богчаси иссиқлик мажмуаси билан қайтадан янгиланди. Бу масалада Ховос тумани халқ таълими бўлими муди-

часи каби қулайгина жойлашган. Каттагина ҳовли, тоза-озода йўлаклар, болалар майдончалари, спорт майдончаси, кенг, ёруғ керакли жиҳозлар билан безатилган машғулот, дам

раси Назокат Эрматова, мактаб директорлари Олимжон Қосимов, Ҳалима Саманова, А. Тўйчиев, З. Сулюнов, ўқитувчилардан Раббимқул Равшанқулов, Муҳаммаджон Мелиқўзиевлар яхши ўрнак кўрсатаётир.

- Сиз айтатган эзгуликка яқинлашиш учун одамларимизни мустақиллик руҳи, мазмуни билан тарбиялашимиз керак. Чунки мустабид тузум бизни узоқ йиллар урф-одатларимизга нисбатан совуқлик пайдо қилди. Назаримда бу бугун эзгулик туйғусини рубога чиқаришимизда баъзи одамларнинг тушунчасини озгина орқага

тортаётир. - Албатта.

Мустабид тузум китобларимизни ёқиб, масжидларимизни бузиб, улуг кишиларимизни қатагон қилиб, юракларимизда кўркүв ҳиссини пайдо қилганди. Болаларимиз бундан бегона. Чунки улар зулмининг даҳшатини кўриб, ҳис этмадилар. Улар мустақилликда улғайиб, тарбия олаётдилар. Бари-бир биз уларни тўғриликка, ҳақни ҳақ, дейишга, иймонли бўлишга, тарихимиз, битикларимизни, адабиёт, санъатимизни эъзозлашга, улуг зотларни ҳимоя этишга кўништиришимиз шарт ва зарур. Уларни бир-бирларига қондош-жондош бўлиш туйғуси билан тарбиялашимиз керак. Улар маҳаллачилик ва бир-бирларини ажратувчилик қилишларига асло йўл қўймаслигимиз керак. Ўзбекистон, деб аталмиш ватан жуда кенг... Хоразмдан тортиб Сурхондарё, Тошкентдан тортиб Фарғона водийси, Қорақалпоғистон... ота-боболаримиз "бўлинганди бўри ер" деб бекорга айтишмаган. Биз бир-бирларимизни суяшимиз керак. Агар биз фарзандларимизни ватан, миллат туйғусини ягона бир тушунча билан тарбияласак қандайдир оқимларга қўшилиб, ўз ота-оналаридан тониб, ватанига, миллатига тош отаётган ношукр сафига кирмай, аксинча уларга қарши курашадилар. Бугун биз фақат мустақиллигимизни ҳимоя қилишимиз зарур. Бундан кўра долзарб, бундан кўра улуг масала йўқ. Мустақилликка эришимиз қандай қийин бўлган бўлса, уни ҳимоя қилиш ундан ҳам қийин. Бу тушунча зийракликни, жипсликни талаб этади. Ҳар қандай ишни, яъни тарбияни оиладан, керак бўлса бешикдан бошлаш керак. Ота-оналаримиз оилада, ўқитувчилар эса мактабларда фарзандларимизни ватан пар-



Рустамбек ТУРДИЕВ Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокими

вар, миллатпарвар қилиб тарбиялашлари керак. Чунки бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Ховос тумани Сирдарё вилоятининг чеккасига жойлашган. Биз асосан пахта ва бугдой экамиз. Умумий еримиз 18 минг 608 гектар. Бу асосан ҳайдаладиган ер. Ўтган йили давлатга 92620 тонна бугдой топшириб, режамизни 110 фоиз қилиб бажардик. Гектаридан 18,2 центнердан ҳосил кўтарилди. Пахтадан эса 17400 тонна ҳосил топширдик. Бу 109 фоизни ташкил этади. Полиздан 120 тонна топширдик, бу эса 105,1 фоизга тенгдир. Режаларни юқори кўрсаткичда бажариш катта имкониятлар туғдиради. Жумладан болаларимизга ёрдам қилиш имкони туғилади. Биз болаларимизни доимий равишда диққат-эътиборимизда тутиб туришимиз. Ниятимиз - улар биздан ўзлари истаганча рози бўлишлари керак. Чунки биз келажак учун, яъни болаларимиз учун хизмат қилаётимиз. Узоққа бормай, туманимиз мактабларидан 10 ўқувчига 1 дондан «Тонг юлдузи» олишига ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Ўқувчиларнинг йиғини терим ишларидаги меҳнат ҳақларига тўғридан-тўғри «Тонг юлдузи» обуна қилишни режалаштирган эдик. Шу кунларда обуна ишлари қизғин.

- Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: Ўктам ҲАКИМАЛИ

Нарзиқулова ва Елена Мишасвалар машғулотларни қизиқарли ўтказилишида сидқидилдан меҳнат қилаяптилар. Болажонларнинг зеҳиларини кўриб, ўзим ҳам қизиқиб кетаманда, баъзан барча ишларини кўйиб, уларни тинглаб ўтираман. Ютуқларидан севинчим ичимга сиғмай кетади.

Келгусидаги режаларимиз жуда катта, бироқ ҳозирча имкониятларимиз старли эмас. Сабаби, кўп нарсалар бир-бирига боғлиқ ҳолда ечилади. Масалан: Келгусида болажонларнинг ёшлигиданоқ техникага, компьютерларга, санъат турларига бўлган қобилиятларини ривожлантириш мақсадида гуруҳлар тузишни ўйлашиман. Бошқа богчалардан ҳам бизга болаларини олиб келувчилар бўлайти. "Жон-жон" деб олардик, лекин имкониятларимиз чегараланган. Қўшимча хоналар, жиҳозлар, қизиқарли йиғилувчи ўйинчоқлар, (лего, конструктор), лигафон, компьютерлар ва ҳоказолар керак бўлади. Барча режаларимизни амалга ошириш учун ҳомийлар кўмагини муҳтожмиз. Албатта умидимиз бор, бу нарсалар аста-секин бўлади, деган умиддамиз...

Муяссар опа билан узоқ суҳбатлашдик, улар ширинтойлар ҳаётига оид қизиқарли воқеалар ҳақида сўзлаб бердилар. Болажонлар эса биз билан 3 тилда хайрлашиб Янги йилда богчамизга Қорбобони юборинг, биз унга шеърлар, кўшиқлар айтиб берамиз - деб қолишди.

Темур РЎЗИМАТЎВ

САХРАВАТ - ЖАННАТ ЭШИГИДИР



Одатда кўпчилик болалар богчага боришни хуш кўришмайди. Кечгача богча опалари назоратида бўлиш, руҳсат сўраб ўриндан туриш, айниқса, тушликдан сўнгги уйку кимга ҳам ёқарди дейсиз? Лекин мен яқинда бир богчада бўлдим, сўраб-суриштираман, бу богча тарбияланувчилари ҳатто дам олиш кунлари ҳам богчага бораман, деб хархаша қилишар экан.

Бу богча ҳам барча болалар бог-

БОҒЧАГА БОРАМАН, ОИМЖОН!

олиш хоналари болажонлар ихтиёрида Лекин барча богчаларда ҳам бўлавермайдиган яхши бир томони бор. 8 та гуруҳдаги 190 нафар болажонлар орасидан энг зийрак ва қобилиятлилари танлаб олиниб, иккита илмий тажриба гуруҳини тузишибди. Гуруҳлардаги машғулотлар таълим соҳасининг малакали ходимлари томонидан тайёрланган қўлланмалар асосида, икки босқичда ўтказиларкан. Биринчи босқичда 4 ёшли, иккинчисида 6 ёшли болалар инглиз, рус ва ўзбек тилларида ўқитиларкан. Яна атроф муҳит билан танишиб, математикадан ҳам сабоқ оларканлар. Биринчи гуруҳдаги болаларга ўз ойларига мос, кундалик ҳаётда керак бўладиган нарсалар: Саломла-

шибди.

Боғчадаги хайрли ишлар ташкилотчиси, болажонларнинг меҳрибон оналаридек бўлиб қолган богча мудираси Муяссар опа Ҳакимовани суҳбатга тортдик.

-Тажриба гуруҳларини ташкил этиш борасида жуда кўп вақт ўйлашиб юрдим. Турли режалар туздим, керакли қўлланмаларни, ўқитувчи-тарбиячиларни топдим. Улар билан бамаслаҳат иш бошладик.

Мақсадимиз - болажонларга жуда ёшлигидан тил ўргатиш, билимларини бойитиш, дунёқарашларини кенгайтиришдир. Услубчи Мавлудахон Нуруллаева, инглиз тили бўйича ўқитувчи-тарбиячимиз Ойбек Шерназаров, рус, ўзбек тилларидан Ашера

Ўз хонадонингизда қандай қилиб ёнғин чиқишининг олдини олиш, унинг оғир оқибатларидан қутулиш мумкин?

Шу хусусда бир неча маслаҳат бермоқчимиз:

Электр тармоғига юқори қувватли бир нечта электр асбобини улаш тармоққа оғирлик қилади, бу эса ёнғин чиқишига сабаб бўлишини ёдда тутинг.

Электр тармоғига уланган электр дазмол, электр плита ва бошқа электр иситиш асбобларини фақат ёнмайдиган ва иссиқлик ўтказмайдиган тагликлар устига қўйиш керак.

Электр асбобларини фақатгина катта кишилар тармоққа улаши мумкин.

Уйдан чиқиб кетаётганда бу асбобларни албатта ўчириш лозим.

Электр улагичлар изоляцияси соғ ҳолда бўлиши керак. Агар хонадонингизда электр улагич симлар эскирган, розетка ва патронлар носоз бўлса, тезда электр асбобларини таъмирловчини чақириб бу камчиликларни бартараф қилинг. Бу билан сиз ёнғин чиқишининг олдини олган бўласиз.

Турмушда ишлатиладиган кимёвий воситалардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг. Уларнинг кўпчилиги тез

ёнувчан моддалардир.

Газ асбобларидан фойдаланишда дераза дарчасини очиб қўйишни унутманг. Ёқилган газ

раф этган, давлат ва шахсий мол-мулкингизни, ўзингизнинг ва атрофингиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси Чилонзор тумани, ёнғиндан қўриқловчи ХЁСБ Сиздан ушбу ойликда фаол иштирок этишингизни сўрайди. Ёнғин хавфсизлик ойлигида иштирок этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир!

Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимлари томонидан турли хил тадбирлар ўтказилишига қарамай барибир ёнғинлар содир бўлмоқда. Энг аянчлиси ушбу ёнғинларда инсонлар ҳалок бўлмоқда. Бир неча мисоллар келтирмоқчимиз. 17 ноябрь куни соат 12 дан 28 дақиқа ўтганда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани, Қора Қамиш 1/2 турар-жой мавзеси, 4-уй, 11-хонадонда содир бўлган ёнғин натижасида шу уйда истиқомат этган Лиза Огай томонидан ёқиб қолдирилган шағам полга тушиб уй жиҳозларига ўт кетиши натижасида унинг ўзи ҳалок бўлган.

А.К. МАННОПОВ

Чилонзор тумани ХЁСБ бошлиғи, ички хизмат майори

## ХАВФСИЗЛИКНИ ЎЎҚОЛТИРАСМIZ!

асбобларини қаровсиз қолдирманг. Бу асбоблардан фойдаланишни билмайдиган шахсларни ва болаларни асло яқинлаштирманг.

Газ плитаси устида кир қуриштиш ўта хавфли эканини ёдда тутинг.

Газ сизиб чиқишини текшириши учун очиқ алангадан фойдаланманг - бу портлашга сабаб бўлиши мумкин. Бунинг учун совун эритмасидан фойдаланинг.

Суултирилган газ тўлдирилган қурилмалардан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг.

Газ тўлдирилган баллонлар газ плитасидан камида 0,5 метр ва иситиш радиаторидан 1 метр нарида жойлаштирилган бўлиши керак. Баллонларни ўт ёқиладиган печларнинг эшикларига қаршисига қўйиш қатъиян ман этилади. Ёқилган телевизорни қаровсиз ёки ёш болалар ихтиёрида қолдирманг.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали сиз ёнғиннинг келиб чиқишини бартараф

## "КЎЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАДИ"

Шу кунларда республикамызда "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" давом этапти. Шу муносабат билан мактабимиз директори Муяссар опа Раҳимжонова ҳам юқори синф ўқувчиларини ҳузурларига чақириб, бошланғич синф ўқувчиларига ёнғин хавфсизлиги тўғрисида суҳбатлар ташкил қилишни айтдилар.

Бизлар бошланғич синф ўқувчиларига ёнғин келиб чиқиш сабаблари, инсонларга, қолаверса, мол-мулкка зиён келтириши тўғрисида сўзлаб бердик, уларни эҳтиёткорликка чақирдик.

Ҳар гал бувам бизларникига келганларидан кўллари дуога очиб: "Оллоҳим ўзинг ҳамманинг, қаторида бизни ҳам ўт балосидан, сув балосидан асрагин" - дердилар. Кейин билсам ҳақиқатда ўт балосидан ёмон нарса йўқ экан. Сабаби, мени ўзим ҳам бир неча марта кўни-қўшниларининг ҳовлиларида бўлган қаттиқ ёнғиннинг гувоҳи бўлганман.

Куни кеча бир мактабдошимнинг онаси газнинг ҳидидан ҳушидан кетиб қолибди. Шифокорлар қанчалик ёрдам кўрсатмасин, энди кеч экан. Аслида эса ўша оиладагилар ошхонадан газ ҳиди чиқаётганини сезишган экану, аммо бефарқ қарашган ва «эрта-индин қарармиз», - деб эътиборсизлик қилишган. Мана натижаси, 4 та ёш гўдак онага зор бўлиб чирқиллаб қолаверди. Биз ҳар гал газета, радио, телевидение орқали қанчадан-қанча ёнғин натижасида рўй бераётган воқеаларни кўрамиз, эшитамиз,

ўқиймиз ва яна барибир лоқайд бўламиз.

Яқинда опам билан метрода кетаётим, кўришни мутлақо беўхшов 9 - 10 ёшлар чамаси-

### ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ - АРЧА



Арча атрофида шашаги ва ипротехника меҳнудотларидин фойдаланиш хавфлидир!

даги болага кўзимиз тушиб қолди. Фақат бизнинг эмас, ҳамманинг кўзи унда эди. Юзи, бўйни, ҳаммаси қаттиқ куйганидан буришиб кетган. Бир қўли тирсагидан йўқ, иккинчи қўлининг беш бармоғи ҳам тумтоқ бўлиб қолган. Бола бечора ерга қараганча бир чеккада мунгайибгина ўтирибди. Бекатлардан чиққан одамлар эса болага ачиниш ва таажжуб билан қарашадитики, бола охири уялиб, қизариб кетганидан тура солиб тушиб кетди.

Айрим ёш болалар ота-оналари йўқлигида гугурт ўйнайдилар, ёки бўлмаса аллақерлардан бўлмагур портлатгич ўйинчоқларни соғиб олиб, кўчаларда пақиллатиб юрадилар. Шунинг ўрнига газета, журнал, китоб ўқисалар айни муддао-ку.

"Кўза кунда эмас, кунида синади", - дейишади. Шунинг учун ҳар бир нарсаним олдини олган маъқул. Токи оғир оқибатларга олиб келувчи хунук, нохуш воқеаларга дуч келмасдан, ўзимизни, қолаверса, атрофдагиларни ҳам асраб-авайлайлик. Ёнғин хавфсизлигига қарши ҳаммамиз курашайлик. Соғ-саломат, бекамикўст, тўрт муччаси соғ бўлиб юрганга нима етсин!

Зилола БОЗОРОВА,

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги Усмон Носир номли 241-мактабнинг 8-"Д" синф ўқувчиси.

## МАҚОЛ

акс эттирилади. Қисқача қилиб айтганда, хулоса ва ҳукм ифодаланади.

Халқ мақолларининг мавзуси анча кенг бўлиб, уларда халқ ҳаётининг баён этилмаган соҳаси йўқ. Халқ оғзаки ижодида кирувчи мақолларга яқин турувчи жанрлар ҳам мавжуддир. Булар топишмоқ ва маталдир.

Мақоллар турли хил мавзуларда бўлади. Меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, мардлик - сажийлик, адолат, инсоф, муҳаббат дўстлик, одамийлик, олийжаноблиқ ва ҳоказолардан иборат. Бу мавзуларни яна давом эттириш мумкин.

Халқ мақолларида меҳнатсеварликни улуглаштакчи ўринда туради. Фикримизга мисол тариқасида ушбу мақолни келтирмоқчи бўлдим.

Бекор ўтиргунча, бекор ишла. Дарахтни меваси, отни - сийнаси. Одамни меҳнати безайди.

### Ўзликни англаш

Халқ мақолларида яхши ёритилган мавзулардан бири ватанпарварлик бўлиб, у ҳақда ҳам кўплаб мақоллар яратилгандир. Сабаби, инсондаги энг яхши фазилатлар Ватан деб аталувчи тушунча билан шаклланади. Жумладан:

Ватан учун - ўлмоқ ҳам шараф.

Ватанинг тинч - сен тинч.

Ватан ҳақида Юртбошимиз ҳам чиройли иборалар келтирганлар.

"Ватанни севмоқ - иймондандир".

"Элим деб, юртим деб, ёниб яшамоқ керак" кабилардир.

Халқ мақоллари инсонларни олийжанобликка, эзгуликка, инсонларга яхшилик қилишга ундайди. Нафақат мақоллар, умуман халқ оғзаки ижодининг барча турлари бизни маърифатли, маънавиятли, маданиятли бўлишга чорлайди. Уларни ўқисак, билсак, ўтмишимизни, ота-боболаримизни биламиз. Халқ оғзаки ижоди намуналарини ёд олмоқ - ўзликимизни англамоқ демакдир.

Шаҳло МУТАЛОВА,

Ўз МУ II-курс талабаси

Тезда янги йил келади. Янги та-нишувлар, ҳаяжонли учрашувлар, арча атрофидаги ўйин-кулгилар...


Ўзбекистондан маҳалламизга меҳмонга келиб, бир неча кундан бери мен билан дугона бўлиб қолган Севарага янги йилни орзиқиб кутаётганим ҳақида гапирсам, у кулиб кўйди ва ўз мамлакатининг ҳақида шундай деди:

**-Бизда байрамлар жуда кўп. Янги йил байрами ўз йўлига. Сиз каби бизлар ҳам янги йилда Қорбободан кўп-кўп совғалар оламиз, Қорқиз билан арча атрофида рақсга тушамиз. Уйимизни ҳам ўрмондан келган хушбўй, кўм-кўк арча безаб туради. Айниқса, Президент арчасига бориш учун ошиқишимизни айтмайсанми? Бу арчага аълочилар, шу билан бирга махсус мактаб ўқувчилари биринчилардан бўлиб боришади. Мен сенга Наврўз байрами ҳақида гапиргим келди.**

Севара Наврўз кунини карнай-сурнайлар чалиниб, ҳамма сайлга чиқишини айтди.

Майса-гиламлар билан

қопланган далаларда сумалаклар пиширилди, ҳамма бир-бирига гул-лолалар беришар экан. Деҳқонлар ҳам, боғбонлар



ҳам йил боши байрамини тантана билан бошлашар экан. Беморлар ҳолидан хабар олинар, қариндош-

**Белоруссиядан хат**  
уруғларни баҳор келгани билан табриклашар экан. Севара бир неча кун парвариш қилиб, кўклаган бугдойдан қандай қилиб ширин сумалак пиширишларини ҳам айтиб берди. Бу сумалак Ўзбекистон қовун-тарвузлари-ю олма-узумлари каби жуда ширин бўлса керак. Мен Беларуссиямиз гўзал, бизда байрамлар кўп, мева-чевалар бисёр деб юрардим. Севаранинг гапидан уларда ҳам бизникидек экан. Ҳатто мушак байрами, Наврўз байрами ҳақида эшитиб, байрамларни кўп юртнинг болалари бизларникидан ҳам яхши яшаса керак, деган хаёлга бордим. Энди Севара билан бир умрлик дугона бўлиб қолдим. Албатта, Севара ўқиётган Тошкентдаги 27-ўрта мактабнинг 2-синф ўқувчилари билан ҳам хат ёзишаман. Вақти келиб Ўзбекистонга бораман ва уларга кўшилиб тинчлик, хурликнинг байрамларини қиламан!

Илона САЛЕНАЯ.

## Оҳим Тўқмаган оҳанглар

Жумадулла НАЗАРОВ мусиқаси.  
Шарифа САЛИМОВА шеъри.

### ОНА ЮРТИМ

Чўққисида қуёш ётган,  
Оймомани кўкка отган.  
Тоғларин сизлаб уйғотган,  
Булоғингдан айланайин.

Нақорат:  
Она юрт, оҳ, Она юртим.  
Тупроғингдан айланайин.  
Гоҳ яшил, гоҳ ранги сариқ,  
Япроғингдан айланайин.

Бугун қалбда қуёш меҳмон,  
Қирларингда чайқалур дон.  
Хурлигим - кўзга сурган нон,  
Ўчоғингдан айланайин.

Нақорат:

Самоларга етди сўзим,  
Дунёларни тутди сўзим.  
Яшил тугли Ўзбек - ўзим,  
Байроғингдан айланайин.

Нақорат:

#### БИЛАҒОН БОЛАЛАР ДИҚҚАТИГА

Сиз «Тонг юлдузи» газетаси саҳифаларида учрайдиган хатоларни албатта топиб, бизга ёзиб юборинг. Чунки атайин билагон ва топагонлигини синаш мақсадида ҳарфлар тушириб қолдирилади ёки қўшиб қўйилади. Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмайди...

**Мақсадимиз: билимли бўлиш. Чунки осмонни юлдузлар, ерни эса билимдилар безар.**



Тошкентдаги Успенский номли мусиқа мактабнинг аълочи ўқувчиси Шохруҳ ШАЙХОВ оҳанглар оғушида.

Ёд олинг

#### БОЙЧЕЧАК

Қор тагидан дадил бош сузар.  
Умри қисқалигини яхши билади.  
Аммо кўзи тиниқ, чунки дил сезар:  
Боҳорга сўқмоқлар очиб ўлади.

Асқад МУХТОР

## ХАДАҒО

### АЛИФБО

- Сен алифбони биласанми? - сўради ўқитувчи Ренедан.  
- Ҳа, жаноб, мен уни жуда яхши биламан.  
- Бўлмаса, менга айт-чи, "А" дан кейин қайси ҳарф келади?  
- Ҳамма қолганлари, жаноб.

### ЎТКИР ЖАВОБ

- Тухум сўзи қайси родга киради? - деб сўради ўқитувчи Серждан.  
- Хоним унинг мужской ёки женский родга кириши тухумдан чиққан жўжанинг хўроз ёки товуклигига боғлиқ, - деб жавоб берди Серж.

### ТЕКИН

- Электр билан тармоқнинг фарқи нимада? - деб сўради ўқитувчи ўқувчилардан.  
- Чақмоққа ҳақ тўланмайди, - деб жавоб берди ўқувчи.

### СИЧҚОН ҚАНЧА ЯШАЙДИ?

- Рене, - деди ўқитувчи, - қани айт-чи, сичқон қанча яшайди.  
- Бу мушукка боғлиқ, - деб жавоб берди Рене.

### ТАРИХ ДАРСИДА

- Тото, - деди ўқитувчи, - Карл У I нинг отаси ким бўлган? Қани айт-чи?  
- Карл У.  
- Яхши, ундай бўлса, Франциско I нинг отаси-чи? - деди ўқитувчи.  
- Албатта, Франциско нол тақсир, - деб жавоб берди Тото.

### "ЭСНАМОҚ" ФЕЪЛИНИНГ КЕЛАСИ ЗАМОН ФОРМАСИ

Дарсда ўқитувчи ўқувчилардан "Эснамоқ" феълининг келаси замон формаси қандай бўлади? - деб сўради.  
- Мен ухлайман, сен ухлайсан, у ухлайди. - деб жавоб берди Жан.

### АНАТОМИЯ ДАРСИДА

- Инсонда охири бориб қандай тиш чиқади? - деб ўқитувчи ўқувчилардан сўради:  
- Ясама тиш-да, жаноб ўқитувчи, - деб жавоб берди Рене.

Француз тилидан  
Сайдиғани МУСАЕВ  
таржимаси

## ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Муассислар:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,  
Йўлдош САИДЖОНОВ,  
Ойниса МУСУРМОНОВА,  
Комил ЮСУПОВ,  
Мукаррама МУРОДОВА,  
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,  
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир

«Ijod dunyosi»  
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент Матбаа комбинатида офсет усулида 39092 нусхада босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.  
Буюртма - К-8454  
Газетани  
Муҳаббат МАҲСУДОВА саҳифалади.  
Навбатчи:  
Олимжон ТЎХТАНАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
Манзилимиз 700129,  
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Индекс 198

Тел: 144-62-34.

